



"НАМКОР СУГУРТА"-нинг Бухоро вилоят филиали ҳақида гап борганда "Ташаббускор ёшлар жамоаси" дея таъриф берилади. Бу бежиз эмас. Жонибек Бобоев бошчилигида изланувчан соҳа ходимлари мижозлар билан ишлашда ўзига хос йўлдан бормоқда. Натижада ҳамкорлар сони ортиб, белгиланган режа ортиғи билан бажарилмоқда. Вилоятда тадбиркорликни ривожлантиришга оид ислохотларни амалга оширишда ҳам уларнинг ҳиссаси катта.

— Амалдаги йил бошидан пешқадамликни қўлдан бермай келямиз, — дейди Ж. Бобоев. — 2021 йил учун белгиланган режани 9 ойда 130 фоизга бажаришга эришдик. Эндиги вазифа қўлга киритилган ютуқни янада мустаҳкамлаш.



Бекзод МУТАЛЛИБОВ олган сурат.

Бу сонга:

2 **ЕТТИ ИҚЛИМДАН ДАРАКЛАР**

ИНСОНИЯТ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР УЙҒУНЛИГИ **3**

4 **ИССИҚ ШАҲАРНИНГ ИСТАРАЛИ БАНКИ**

ҲАММАСИ УЧУН РАҲМАТ, ОНА! **5**

6 **АХЛОҚНИ ЙЎҚОТИШ — ЗИЙНАТСИЗ ҚОЛИШДИР ОЙДАН ТУШГАН КУЁВЛАР** **7**

ИҚТИСОДИЁТ

100 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК КРЕДИТ

Осиё Тараққиёт Банки (ОТБ) Ўзбекистонда рақобатбардош молиявий бозорлар учун қўлай муҳит яратиш ҳамда бу борадаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 100 миллион долларлик кредит ажратди.

ОТБнинг молиявий бозорларни ривожлантириш дастури доирасида ажратилган маблағ Ўзбекистон молия бозорини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга қаратилган ислохотларни қўллаб-қувватлайди. Унинг мақсади давлат облигациялари бозорини янада қонунийлаштириш ва инвесторлар базасини диверсификация қилишдир. Шунингдек, дастур бозорнинг муҳим инфратузилмасини, шу жумладан, кузатув тизимларини ривожлантиришга ёрдам берган ҳолда биржа савдо маблағлари каби муқобил молиявий воситаларга оид таклифни кенгайтиради.

* * *

НОБЕЛЬ МУКОФОТИ СОҲИБЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Иқтисодиёт бўйича 2021 йилги Нобель мукофоти америкалик иқтисодчиларга топширилди. Дэвид Кард "Меҳнат иқтисодиётини ўрганишга", Жошуа Энгрист ва Гуидо Имбенс "Сабаб-оқибат муносабатларини таҳлил қилишга" ҳисса қўшганликлари учун эътироф этилди.

* * *

БИР МИЛЛИОН ГЕКТАР ЕР ИЖАРАГА ОЛИНАДИ

Ўзбекистон Россия ҳудудидан 1 млн. гектар ер майдонини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун ижарага олмақчи.

Бунга Ўзбекистондаги сув ресурслари танқислиги сабаб эканлиги айтилмоқда. Ижара ерларидан олинган ҳосил Ўзбекистоннинг ички бозоридаги талабни қондиришга йўналтирилади.

КҮН
ҲАҚИМАТИ:

Бир мамлакат тақдири у мамлакатдаги инсонларнинг олаётган таълимига боғлиқ.

Алберт ЭЙНШТЕЙН.

"НАМКОРБАНК" АТБ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛГАН ТАНЛОВ ҲОЛИБЛАРИ

"ЭНГ САМАРАЛИ ФИЛИАЛ" НОМИНАЦИЯСИ БЎЙИЧА РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

(2021 йил III чорак якуни бўйича)

1-ГУРУҲ

Юнусобод филиали I ўрин

2-ГУРУҲ

Навоий филиали I ўрин

3-ГУРУҲ

Истиқбол филиали I ўрин

4-ГУРУҲ

Хазорасп филиали I ўрин

5-ГУРУҲ

Ургут филиали I ўрин



Ривожланган йирик компаниялар ҳам дастлаб ўз ишини кичик бир фаолият туридан бошлаган. Масалан, Кореянинг йирик "LG Electronics" компанияси дастлаб кир ювиш кукуни, "Toyota" тикув машиналари ишлаб чиқарган бўлса, "Samsung" компанияси эса озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланган.

ЗАНЖИРНИНГ ҲАР БИР БЎҒИНИ МУСТАҲКАМ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тармоғида ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ҳамда минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи етакчи компания сифатида танилган "IFODA AGRO KIMYO HIMOYA" масъулияти чекланган жамияти ҳам ўз фаолиятини дастлаб автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси ташкил этишдан бошлаган. Кейинчалик ёқилғи тармоғи кенгайиб, метан газ қуйиш шохобчаларини очди.

2006 йилда компаниянинг ташкилотчилари қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва фермерларга кўмак бериш мақсадида минерал ўғитлар савдосига қўл урди. Тез орада юқори натижаларга эришгач, "DUPONT" компаниясининг Тошкент шаҳридаги ваколатхонаси билан шартнома тузиб, маҳсулотларини водий вилоятлари бўйлаб тарқатишни йўлга қўйди.

Савдо ҳажми ошиб бораётганини кўрган "DUPONT" компанияси бутун Ўзбекистон бўйлаб диллерлик хизмати-ни айнан "IFODA AGRO KIMYO HIMOYA" қўшма корхонасига топширди. Компания қишлоқ хўжалиги ташкилотларига турли агрохимёвий маҳсулотларни етказиб бериш билан бирга чет элдан маҳсулот олиб келишни ҳам йўлга қўяди. Кун сайин ривожланган компания банкротлик ёқасида турган "Мехмаш" акци-ядорлик жамиятини ҳам сотиб олди, қурилиш учун труба ва шуруплар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Бугунги кунда "IFODA AGRO KIMYO HIMOYA" қўшма корхонаси фаолиятига ҳавас қилса арзийди.



Айни пайтда компания маҳаллий хомашё ҳисобига ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва мураккаб минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳамда сотиш баробарида Хитой, Туркия, Италия, Бельгия, Россия каби хорижий давлатлардан хомашё келтириб, 65 турдаги кимёвий препаратлар, ҳосил унумдорлигини ошириш учун мўлжалланган 39 турдаги мураккаб таркибли NPK минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйган.

Республика бўйлаб жамиятнинг 90 дан ортиқ савдо филиаллари орқали мижозларга сифатли хизмат кўрсатиляпти. 45 та кластер билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Қарийб 30 минг фермер хўжалиги компания маҳсулот ҳамда хизматларидан фойдаланмоқда.

Яқинда Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидаги Оқтош шаҳарчасида МЧЖнинг ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва мураккаб минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги корхонаси очилди. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 30 минг тонна. Лойиҳанинг умумий қиймати 17 млрд. сўмга баҳоланган янги заводнинг умумий майдони 1 гектарни ташкил этади.

Компания маҳаллий бозорда бундан буён ҳам етакчи бўлиб қолиш, аграр соҳанинг инновацион илғор иштирокчиси мақомини мустаҳкамлаш ҳаракатида.

"IFODA"нинг муваффақият калити — жамоа бўлиб ишлаш, занжир каби ҳар бир бўғиннинг мустаҳкамлигини таъминлашда. Зеро компаниянинг шиори ҳам унинг мақсадини тўлиқ ифода этади.

**Нилуфар
ЙЎЛДОШЕВА.**

7 ИҚЛИМДАН ДАРАКЛАР



БЎЛАЖАК АНГЛИЯ ҚИРОЛИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Буюк Британия қироличаси Елизаветта II набираси шаҳзода Уильямнинг ўғли Жоржни қирол ролига тайёрлай бошлади. Бола ҳозир 8 ёшда. Қиролича у билан кўпроқ вақт ўтказиб, аста-секин керакли қоидаларни ўргатиб бормоқда.

ЭМЛАНМАГАНЛАРГА САВДО ЙЎҚ

Латвия ҳукумати Инқирозни бошқариш кенгашининг эмланмаган фуқароларнинг савдо дўконларига киритмаслик ҳақидаги қарорини тасдиқлади. Эндиликда мамлакатдаги дўконлар фақат эмланганлик сертификати эга фуқаролар учунгина хизмат кўрсатади. Лекин бу қарор таълим тизимига таъсир қилмайди. Ўқувчилар ниқоб тақиб юришлари шарт бўлади.



РУС МОДЕЛИ ИСЛОМ ДИНИГА ЎТДИ

Россиялик модель Анастасия Решетова ислом динини қабул қилди. У бир неча йилдан буён машҳур репер Тимати билан илиқ муносабатда эди. Жуфтликнинг бир нафар ўғил фарзанди бор. Эндиликда Решетова моделлик касбини ташлади ва "Қуръон"ни ўрганиш билан машғул бўлмоқда.

БРАЗИЛИЯЛИКЛАР УКРАИНЧА ГАПИРМОҚЧИ

Бразилиянинг Прудентополис муниципалитетиде украин тили расмий тил сифатида тан олинди. Бу қонун лойиҳаси депутатлар йиғилишида бир овоздан маъқулланди.

Прудентополисда украин тили португал тилидан кейин иккинчи ўринда туради. Бу каби қонуннинг қабул қилиниши бразилиялик ёшларнинг Украинада таҳсил олиши учун жуда қўл келади.



ГРИН КАРТАГА АРИЗА ОЛИШ БОШЛАНДИ

АҚШ давлат департаменти грин карта лотереясида иштирок этиш учун аризаларни қабул қила бошлади. Қабул 9 ноябрга қадар давом этади.

Диверсификация лотереяси-ни ҳар бир киши қўлга киритиши мумкин. Бу ҳужжат унга АҚШда яшаш ҳуқуқини беради, оиласи бўлса, уларни ҳам бирга олиб кетиши мумкин.

РУС ХАКЕРЛАРИ ҲАММАДАН ЗЎР

Аниқланишича, энг кўп кибер ҳужумлар Россия хакерлари томонидан амалга оширилган экан. Бу ҳақида Microsoft ҳисоботида айтиб ўтилди. Дунёда юз берадиган жами кибер-жиноятчиликнинг 50 фоизи русларга тўғри келади. Рус хакерлари кўпроқ АҚШ, Украина, Буюк Британия ва бошқа Европа давлатларига ҳужум уюштирар экан.

Иккинчи ўринни 28 фоиз билан Шимолий Корея, учинчи ўринни эса 8 фоиз билан Хитой давлати кибержиноятчилари эгаллаган.



Бундан 170 йил аввал биринчи марта саноат инқилобининг чўққисига айланган ва иқтисодиёт, сиёсат ҳамда маданиятда глобллашув даврини бошлаган воқеа юз берди. Яъни 1851 йилда Лондонда "Барча халқларнинг саноати" шиори остида бутунжаҳон кўргазмачи ташкил этилди ва у 25 та мамлакатни битта платформа остида бирлаштирди. Шундан буён мазкур тадбир дунёнинг турли бурчакларида ўтказиб келиняпти. Ва ҳар сафар инсониятга технологияларнинг янгидан-янги мўъжизаларини тақдим этмоқда.

ИНСОНИЯТ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР УЙҒУНЛИГИ

НАВБАТДАГИ МЕЗБОН — ДУБАЙ

"Евро-2020"нинг мезбони дунёнинг энг гавжум нуқтасига айланган Дубай шаҳридир. Кўплаб халқаро йирик тадбирлар каби мазкур кўргазма ҳам пандемия муносабати билан 1 йил кейинга қолдирилган эди, бу йил 1 октябрдан ўз фаолиятини бошлади. "Евро 2020" "Ақллари бирлаштириб, келажакни боғлаш" шиори остида ўтказилмоқда. Дубайнинг мақсади — инсониятнинг глобал муаммоларини ҳал қилиш учун бутун дунёдаги фикрларни бирлаштирадиган катализаторга айланишдир. 2022 йилнинг 31 мартига қадар давом этадиган мазкур тадбирда Ўзбекистон ҳам иштирок этади. Ушбу йирик инновацион кўргазмага 20 миллионга яқин меҳмон келиши режалаштирилган.

ЕХРО — ИХТИРОЛАР БЕШИГИ

ЕХРО иштирокчилар сони бўйича рекордчи халқаро тадбирлар сирасига киради. 1900 йилда Париждаги бутунжаҳон кўргазмачи 50 миллион томошабинни жалб қилган. Бироқ рекордни 2010 йилда Шанхайда ўтказилган "ЕХРО" 73 миллион ташриф буюрувчи билан ўрнатган. 1992 йилдан буён бу тадбирда иштирок этувчи мамлакатлар сони 100 тадан пас-

зилган "ЕХРО" 73 миллион ташриф буюрувчи билан ўрнатган. 1992 йилдан буён бу тадбирда иштирок этувчи мамлакатлар сони 100 тадан пас-



тга тушмаган. Дубайда бўлиб ўтаётган наватдаги намоишда 192 та мамлакат иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

КЎРГАЗМАДАН ҚОЛГАН МЎЪЖИЗАЛАР

Бўлиб ўтган ҳар битта ЕХРОни муҳим генератор деб аташ мумкин. Масалан, Эйфель минораси 1889 йил Парижда, Озодлик ҳайкали 1876 йилда АҚШда, Атомиум ёдгорлиги эса 1958 йилда Брюсселдаги кўргазма учун қурилган ва тадбирдан қолган унутилмас эсдалик ҳисобланади.

Ҳар бир янги кўргазма ғайриоддий ихтироларни тайёрлайди ва илғор технологияларни ўзига жалб қилади. 2005 йил Япониянинг Аичи шаҳрида ўтказилган ЕХРО меҳмонлари ASIMO андроид роботини кўришлари мумкин эди. Феррис ғилдираги, овозли кино-театр, IMAX технологияси бир вақтлар мана шу кўргазмада тақдим этилган. Энди эса ҳеч қайси йирик шаҳарларни бу кўнгилочар воситаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

МЕҲМОНЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН ИХТИРОЛАР

Стаканли музқаймоқ, "Heinz" кетчупи, Кэмпбелл шўрваси 1900 йилдаги кўргазманинг ихтиролари ҳисобланади. Бу озиқ-овқат маҳсулотлари ташриф буюрувчиларнинг кўнглини чоғ қилиш учун кашф этилди. Турли тоифага мансуб иштирокчиларнинг бир-бирларини тушунишлари ва алоқа қилишлари учун 1878 йилдаги Париж кўргазмачида кўзи ожизларга мўлжалланган Брайль ёзуви тақдим этилди. Умид қиламизки, Дубайдаги намоишда ҳам бу каби кўплаб янги технологияларни кўраимиз.

ОСИЁ тайёрлади.

ЯНГИ ҚАРОР

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 4 октябрдаги "Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, харид чекини рўйхатдан ўтказган харидорлар ва чек бермаганлик тўғрисида хабар берганларга имтиёзлар берилмоқда.

ХАРИД ЧЕКИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИНГ!

2022 йил 1 январдан бошлаб чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектларида харидни амалга оширган ва ушбу харидни солиқ органларининг махсус мобил иловасида харид чекининг QR-код ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказган жисмоний шахсларга уларнинг банк карталарига ой якуни билан харид суммасининг 1 фоизи республика бюджетидан қайтарилади;

Бундан автомобиль сотиб олганлик учун, темир йўл ва авиабилет хари-ди, коммунал ва алоқа хизмати учун тўлов, шунингдек, тўлов тизими опера-торлари орқали тўловни амалга ошир-ганда олинган харид чеклари мустас-но. Сотиб олувчи чекларни ёки уларга тенглаштирилган ҳужжатларни бермас-дан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик, шунинг-дек, идентификация қилиш воситалари билан мажбурий рақамли маркировка қилиш назарда тутилган маҳсулотларда қалбаки маркировка қўллангани ёки маркировка мавжуд эмаслиги тўғрисида солиқ органларига махсус дастур орқали хабар берган жисмоний шахсларга, ҳуқуқбузарлардан ундирилган жарима-нинг 20 фоизи миқдорида мукофот тўла-нади.

БАНК ВА МИЖОЗ

Бугун банклар фаоли-яни замон талабларига мослашмоқда. "Hamkor-bank"нинг Олмалиқ филиа-ли ҳам мижозларнинг банк хизматларига бўлган талабини қониқтириб келмоқда. Бунинг замини-да икки томонлама, яъни банк ва мижозларнинг манфаатлари мужассам.



ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ

Филиалимиз 2002 йилда ташкил топган бўлиб, дастлаб 10 нафар ходим билан хизмат кўрсатган бўлса, айти пайтда 41 нафар малакали мутахас-сислар билан шаклланган жамоанинг ютуқлари бисёр. Бугунги кунда 17 минг 850 дан зиёд мижозимиз бор. Уларнинг 670 дан ортиғи юридик мақомга эга бўлса, 1 минг 230 дан ортиғи якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар. Улар орасида "DAL HEAVY CONSTRUCTION" хорижий корхонаси ва "CROCUS BUILD" масъулияти чекланган жамият, якка тартибда фаолият юритувчи Дониёр Абдужаббаров, Насиба Алиқулова ҳамда Умид Худойшукуровлар "Ишончли мижоз" номини олган.

Ҳамкасбларим ҳудудлардаги оммавий мижозлар сегменти рўйхат-ларини шакллантириш, уларни жалб қилиш, ўзига бириктирилган омма-вий сегмент мижозларига банк хизматларини сотиш, мавжудларига эса қўшимча банк хизматларини сотиш, эътирозлар, ушлаб қолиш ва фао-лият кўрсатмаётганларини жонлантириш чораларини кўриш каби хиз-матларини намунали бажарадилар. Бундан ташқари, банк хизматлари-га бўлган талабларни аниқлаш борасида ҳамда улар бўйича муаммолар юзага келмаслиги учун бор билим ва салоҳиятларини ишга солмоқдалар.

Кейинги йилларда замонавий хизматлар турини ривожлантириш орқали янги мижозларни банкимизга жалб қилишга интиляпмиз. Бу аҳоли ўртасида мавқеимизни янада ошишига, фаолиятимиз кўламининг кенгайишига хизмат қиляпти.

Низомиддин ФОЗИЛМАТОВ,

Олмалиқ филиали корпоратив хизматлар бўлими менежери.

ТАФСИЛОТ

Ўзбекистонда хурмо экспорти 48 фоизга ошиб, энг йирик хурмо экспорт қилувчи давлатлар қаторига кирган. Аммо ушбу мевани энг паст нархларда экспорт қилувчи мамлакат сифатида ҳам қайд этилди.

2020 ЙИЛДА ХУРМО ЭКСПОРТИ



Жаҳон бозорида хурмо экспор-ти 11 фоизга ошиб, 637 минг тоннани ташкил этган. Ўз навбатида, олинган даромад 17 фоизга ўсиб, 695 милли-он долларга етган.

Ўзбекистон энг кўп хурмо экс-порт қилган мамлакатлар қаторидан ўрин олди. Испания (211 минг тонна), Озарбайжон (126 минг тонна), Хитой (108 минг тонна) ва Ўзбекистоннинг (97 минг тонна) энг юқори кўрсаткич-га эришганлиги қайд этилди. Ушбу 4 та мамлакатнинг умумий хурмо экс-портидаги улуши 85 фоизни ташкил қилган. Кейинги ўринларни Литва (14 минг тонна), Польша (12 минг тонна) ва Грузия (11 минг тонна) эгаллаган.

Даромад нуқтаи назаридан қаралса, Испания (234 миллион дол-лар), Хитой (206 миллион доллар) ва Озарбайжон (92 миллион доллар) хурмо экспортидан энг кўп пул ишлаб топган, уларнинг умумий даромад-даги улуши 77 фоизни ташкил этган. Хитой (62,1 фоиз) ва Ўзбекистон (48 фоиз) экспорт қилишда энг юқори ўсиш суръатларига эришган.

Хурмо импорт қилувчи асосий давлат Россия бўлган. Мамлакат ички бозорларига 149 минг тонна хур-мо меваси олиб кирилган. Бу жаҳон

импортнинг 27 фоизини ташкил қилади. Ундан кейинги ўринларни: Қозоғистон (58 минг тонна), Герма-ния (55 минг тонна), Украина (40 минг тонна), Италия (31 минг тонна), Таи-ланд (28 минг тонна) ва Франция (28 минг тонна) эгаллаган. Бу мамлакат-ларнинг умумий улуши жаҳон импор-тининг 44 фоизини ташкил этади.

Шунингдек, хурмо сотиб олишда жаҳон миқёсида Беларусь (19 минг тонна), Литва (16 минг тонна), Польша (12 минг тонна), Канада (9,3 минг тон-на) ва Буюк Британия (8,4 минг тонна) ҳам маълум улушга эга.

Ўзбекистон 18 та хорижий дав-латга қиймати 48,6 млн. долларга тенг 97,5 минг тонна хурмо экспорт қилган. Бу кўрсаткич 2019 йилнинг мос даври билан солиштирилган-да 50,1 минг тонна кўпроқ. Юқорида айтиб ўтилганидек, мамлакатда хурмо экспорти юқори бўлса-да, даромад миқдори бошқа экспортчиларга нис-батан сезиларли даражада камроқ. Буни ўзбек хурмосининг асосан ички бозорида нархлар унча юқори бўл-маган Марказий Осиё ва МДҲ мам-лакатларига экспорт қилиниши билан изоҳлаш мумкин.



“Намкорбанк” АТБнинг Навоий филиали энг намунали муассасалардан. Вилоятдаги мавжуд 14 та банклар орасида хизмат кўрсатиш сифати бўйича биринчи ўринда.

Банк бошқарувчиси Ҳикматилло Шерназаровнинг таъкидлашича, кейинги йилларда кетма-кет филиаллар орасида иккинчи гуруҳда ҳам пешқадамлик уларнинг қўлида. Бу ҳар бир ходим учун мижозга ҳурмат, изланиш, масъулият ва тартиб бош шiorга айланганининг натижаси.

Муассасада яратилган “Устоз-шогирд” мактаби ҳам ютуқлар омили бўлмоқда. Янги иш бошлаган ходимдан тортиб тажрибали мутахассисгача бир-бирига устоз-шогирд. Бу айна вақтда малакали кадрлар тайёрлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Суратчи мухбиримиз Бекзод Муталлибов Навоийда бўлиб, мазкур филиалнинг иш фаолияти билан танишди.



ИССИҚ ШАҲАРНИНГ ИСТАРАЛИ БАНКИ

Термиз шаҳридаги Наврўз банк хизматлари офиси “Намкорбанк” тасарруфидаги биринчи гуруҳ БХОлар тоифасига киради. 2004 йилдан буён мини банк сифатида фаолият юритиб келаётган тармоқ шу йилнинг июнь ойидан бошлаб БХО мақомида иш бошлади. Натижада 2 кишилик жамоа 6 нафар ходимга эга муассасага айланди. Айна пайтда ўз мақомидан келиб чиқиб, барча турдаги банк хизматларини кўрсатмоқда. Энг яхши натижалар эса истеъмол кредити, микроқарз, юридик ҳамда касса хизматлари орқали қўлга киритилмоқда.

— 120 та юридик га ишлаяпти. Сабаби, улар-ҳамкорларимиз мавжуд. Маблағ айланмаси катта бўлса ҳам айрим йирик корхоналар биз билан бир-

Сурхондарё вилояти кенгаши, “Юнико Плюс” МЧЖ, “Уйжойсаноатсўвқурилиш” лойиҳалаш хусусий корхонаси ана шулар жумласидан ва улар даромадимизга ижобий таъсир кўрсатяпти, — дейди БХО бошлиғи Сирожиддин Норматов.

Бугун аҳоли банкларга кўпроқ микроқарз, валюта айрибошлаш, пул ўтказмалари хизматларидан фойдаланиш учун мурожаат қилмоқда. Мақсад — турмуш фаровонлигини ошириш. Мазкур БХО ходимлари ҳар бир мижозга тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишга ҳаракат қилади. Зеро бу ерга бир бор қадам ранжида қилган инсон яна қайтиб келсин ва доимий мижозга айлانسин.

Н.ТЎХТАМАТОВА.



БИЗНИНГ ТАВСИЯ

Банкнинг бирон-бир хизмат туридан фойданиш ҳақида қарор қабул қилишдан аввал, ушбу хизмат тури ҳақидаги маълумотларни ўрганиш, юзага келиши мумкин бўлган масалаларни аниқлаш ҳамда ўз мажбуриятларингизни (шу жумладан, молиявий) англаб етиш талаб этилади. Агар банк хизматлари шартнома тузиш асосида амалга ошириладиган бўлса, ушбу шартномани имзолашдан аввал унинг барча шартлари ва қоидаларини тижорат банкининг мутахассиси билан биргаликда ўрганиб чиқиш зарур.

Шартномада учраши мумкин бўлган нотаниш терминлар ҳамда шартнома қоидаларини тўлиқ тушуниш юзасидан банк ходимларига мурожаат этишдан уялманг. Чунончи, барча тижорат банкларида жисмоний шахсларга, шу жумладан, махсус молиявий билимларга эга бўлмаган мижозларга оддий, тушунарли тарзда

банк маслаҳатларини бериш вазифаси юклатилган мутахассислар мавжуд.

Шартномани имзолашга шошилманг. Иложи бўлса, шартномани уйга олиб кетиб, унинг барча шартларини диққат билан ўрганиб чиқиш зарур.



Эсингизда тутинг! Шартномани имзолаш орқали Сиз унинг барча шартларига рози эканлигингизни тасдиқлайсиз ҳамда шартнома шартларини тўлиқ бажариш мажбуриятини ўз зиммангизга оласиз. Шартнома шартларини бажармаган тақдирингизда банк судга даъво аризаси билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Кўрғонтепа шаҳри Тараққиёт кўчасидаги 4-хонадон-га қувончли мужда келди. Оиланинг иккинчи ўғли Сардорбекнинг ишхонасидан ташаккурнома жўнатишибди. Шундай яхши фарзандни тарбиялаб, жамиятга фойдали инсон қилиб улғайтиргани учун ота-онага раҳмат айтилган эди унда. Садбар аянинг кўзлари шукроналик ёшларига тўлди. Фарзанд ортидан яхши гап эшитиш бунчалар ёқимли бўлмаса.

ҲАММАСИ УЧУН РАҲМАТ, ОНА!

Сардорбек болалигидан тиришқоқ, ҳаракатчан эди. 6 ёшлигидаёқ митти жуссаси билан мактабга бораман деб хар-хаша қилган, ушу спорт турига қатнашганида иштиёқ билан шуғулланган. Мактабда синфдош дўсти Бобуржон билан ким ўзарга дарс тайёрларди. Аълочи ўқувчи сифатида ҳамиша ота-онасига мақтов олиб берган.

Садбархон Жабборовна тўрт фарзандининг тарбиясига жиддий эътибор қаратди. Уларнинг бўш қолмаслиги учун ҳамиша бирон юмуш билан шуғулланишга ундади. — Шаҳарда яшасак ҳам

ҳовлимизда сигир боқардик. Болаларим мактабдан келиши билан дарс қилишини айттардим. Доим банд бўлишгани учун кўчага чиқиб, вақтини бекорчи нарсаларга сарфлашмаган. Бўш қолса, китоб ўқитганман. Ўзим олий маълумотли бўла олмаганим учун, фарзандларимнинг ўқиб, илмли бўлишини хоҳладим, — дейди ая. — Биласизми, қизим, мана, 11 йилдан бери деҳқон бозорида савдо қиламан. Болаларим яхши ўқиб, келажакда илмли бўлсин, жамиятга фойдаси тегсин деб тинимсиз ишладим, уларга шароит яратиб бериш ҳаракатида бўлдим. Бу соҳанинг

нони қаттиқ. Харидор келса, кайфиятимиз бўлмаса ҳам яхши гап-риб, кўнгли билан ҳисоблашамиз. Кенжа фарзандим Андижон давлат университетида таҳсил оляпти. Уни ҳам ўқитиб, дипломли қилиб, иймонли яхши бир йигитга узатсам, кейин хотиржам бўлиб нафақага чиқаман.

Ўғлим Сардорбек ҳарбий хизматда горнизон бўйича энг юқори балл тўплаб, Андижон машинасозлик институтига грант асосида иккинчи ўринда кирган. Институтда ҳам аъло баҳоларга ўқиди. Инглиз тилини яхши билади. Ўқишни битирганидан кейин нуфузли ташкилотлардан ишга таклиф қилишди. Аммо ўзи хоҳламади. Тадбиркор бўлганимиз учун анчадан бери "Hamkorbank"нинг мижозимиз. Бу банк ходимларининг ҳаққоний ишлаши ёқади. Тижорат банки бўлгани учун назорат кучли. Сардорбекка шу банкка кириб ишлашини маслаҳат бердим. Омадни

қарангки, ўша пайтда банкнинг ўзидан ҳам ишга таклиф бўлиб қолди. Болам ҳозир ўз йўлини топиб олган. Унга ҳамиша "Ҳалол бўл, тўғри ишла, шунда узоққа борасан" деб насиҳат қиламан. Шукрки, ҳали фарзандларимнинг ортидан бирон ноҳўя гап эшитганим йўқ. Уларнинг яхши инсон бўлиб, элу юртга фойдаси тегиши учун доимо дуодаман. Биз ота-оналарга шундан бошқа нима ҳам керак?

Сухбат давомидида шуни билдимки, билимли, оқил фарзандлар доно, қалби гўзал, иймони пок оналарнинг тарбиясидан бунёд бўлар экан. Айни пайтда "Hamkorbank"нинг Кўрғонтепа филиалига қарашли Хонобод банк хизматлари офиси бошлиғи сифатида фаолият юритаётган Сардорбек Абдуқаҳҳаровнинг мана шундай фариштамисол онаси борлигига ҳавасимиз келди. Илоҳим, умрлари узоқ бўлсин.

Нигора МИРОЛИМ қизи

БУГУННИНГ ЁШЛАРИ

Азизбек Имомов изланувчан умидли ёшлардан. 1992 йилда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида дунёга келган. Отаси-Одилхўжа ака деҳқончиликнинг ҳадисини олган. Фарзандларини илмли, етук инсонлар бўлишини хоҳларди. Онаси-Шарофатой уй бекаси бўлсада, фарзандларининг биринчи усто-зи. Ўзбек халқ эртакларию ривоятларини кўп билгувчи, муносиб касб танлашларида кўмакчи бўлди.

ОИЛАДАГИ ОРЗУ УШАЛМОҚДА



ди. Аниқ фанларни мукаммал ўзлаштириш асносида шахматда доим пешқадам бўлди.

У умумтаълим мактабини тамомлагач, Тошкент автомобиль йўллари институтининг маркетинг факультетига ўқишга кириб, энг фаол талабалар сафидан жой олди. Олийгоҳни тугатгач, "Инфинбанк"нинг Сергели филиалида фаолиятини бошлади. 2018 йилда "Hamkorbank"нинг Учтепа филиалига ишга қабул қилинди. Ҳаракатчанлиги, ҳозиржавоблиги, топширилган ҳар бир вазифани ўз вақтида бажариши билан жамоанинг ишончини қозонди.

Азизбек дастлаб ғазна, кейинчалик фронт офисда иш ўрганди. Иқтисодчилик салоҳияти анча етилиб бораётган ёш молиячи зеҳнли бўлганлиги боис қисқа фурсатда фронт офисда транзакцион менежер бўлди. Аввалига миллий сўмда, ҳозирда эса валюта амалиётларини ҳам бажариб келмоқда. Жорий йилнинг июнидан 1-тоифали менежер.

Ёш ходимнинг режалари катта. Асосийси, ота-онаси орзу қилганидек инсон бўлиш.

Х. ХАБИБУЛЛАЕВА.

ХУШХАБАР



"Hamkorbank"нинг Қўқон филиали билан боғланганимизда Корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи Равшан Зоҳидов яхши янгилик борлигини айтди. Филиал йирик мижоз билан

ҳамкорликни йўлга қўйибди. Бу Қўқон шаҳридаги энг яхши меҳмонхоналардан ҳисобланган "Asmald Palace Hotel" бўлиб, ҳамкорликнинг илк қадами ва ўзаро ишонч гарови сифатида банк томонидан 938 минг АҚШ доллари миқдорида кредит берилибди.

"ЭНГ ЯХШИ МЕҲМОНХОНА БИЗГА ТАЯНМОҚЧИ"

"Ҳар битта йирик мижоз бу йирик даромад дегани. Меҳмонхонани қай тарзда жалб қилдингиз?" деган саволимизга Равшанбек куйидагича жавоб берди: "Asmald"нинг лойиҳа қурилиш фирмаси мижозимиз эди. Ёз ойида банкимиздан ҳисобрақамини олиб чиқиб кетмоқчи эканликларини айтишди. Сабабини сўрасак, биздаги фирмага эгалик қилаётган бинони гаровга қўйиб, бошқа банкдан кредит олмақчи бўлишаётган экан. Шунда биз уларга таклиф бердик: "Қайси банк сизга шароит яратиб, айтган кредитингизни ажратиб берса, шу ерда қоласизми?" Улардан "фарқи йўқ, ишимиз тезроқ битса бўлди" деган жавобни эшитдик. Шундан сўнг маркетинг олиб бориб, ўз хизматларимизни тақдим этдик. Меҳмонхона ҳамкорликка рози бўлди. Улар сўраган кредитни тезроқ чиқариб беришга ҳаракатига тушидик. Шукрки, ишлар осон кечди".

Қувонарлиси, "Asmald Palace Hotel" "Hamkorbank"нинг молиявий кўмагига таяниб, пойтахтда ҳам замонавий кўринишдаги филиалини қуриб, ишга туширмоқчи.

ОСИЁ.

МУЛОҲАЗА

АХЛОҚНИ ЙЎҚОТИШ
— ЗИЙНАТСИЗ
ҚОЛИШДИР

Инсон дастлаб тарбияни оиладан олади. Бежизга халқимиз "Қуш уясида кўрганини қилади", дея айтмаган. Инсонга зийнат бағишлайдиган фазилат эса одоб-ахлоқдир. Бу борада оила ва мактаб, маҳалла-кўй тарбияси ўртасида доим уйғунлик бўлиши, бир-бирини тўлдириши зарур. Модомики, ота-она уйда фарзандига салом фарзини ўргатса, бунинг акс-адоси маҳалла ва мактабда жарангламоғи лозим.

Шарқда исломий нуқтаи назардан одоб умуминсоний қадрият сифатида асрлар давомида сайқал топиб, ривожланиб келган. У тўрт нарса: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва орифлик билан таърифланган. Азизиддин Насафий камолотни икки белгида: яхши ахлоқ ва ўзини таниганликда кўрсатади. Шундай экан, оилада тобланган инсон мустақил ҳаёт кўникмаларини ҳам шу ерда ҳосил қилади. Бироқ баъзан оила ва жамият учун номуносиб турмуш тарзини қўмсаш, ихтиёр этиш каби ҳолатлар ҳам учраб туради.

Кўпдан бери бир қиз билан йигитни кузатаман. Тўғрироғи, ҳар куни уларни учратаман. Қиз талаба шекилли, тиббиёт коллежи яқинидаги ўриндиқда "йигити" билан ўтиргани-ўтирган. Рўмолини жағидан ўраган ўша қиз назаримда исломий ва дунёвий билимларни биладиганга ўхшайди. Шундай бўлсада икки ёшнинг бири-бирига яқин ўтириши, ҳар замонда сўзлаётган йигитни қизнинг оёқларига қўлини қўйиши, қиз эса беътибор жилмайиши сурати ва сийрати-одобига путур етказгандай. Тўғри, севиб-севилиш ҳам бир бахт, бироқ уни қадрламоқ, авайлаб-асрамоқ, эъзозламоқ даркор.

— Турмуш қурмоқчимисизлар? — дабдурустан берган саволимдан қиз хотиржамлигини йўқотди. Аммо йигитнинг жавоби энсамни қотирди:

— Онам рози бўлмаяпти-да, жиянига уйлантирмоқчи...

— Муносабатингиздан онангизнинг хабари йўқми?

— Бор-у...

— Сиз-чи, синглим? Бу йигит уйланмаслигини биласизми?

— Уйланиши муҳим эмас, мени севса бўлди. Тўйдан кейин ҳам "муносабатларимизни узмаймиз", деб ваъда беряпти-ю...

Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Тоҳир ва Зухра, Отабек билан Кумушнинг муҳаббатлари йиллар давомида қадрини йўқотмаганининг боиси одоб-ахлоқ ва соф туйғуларга йўғрилганида эмасми? Бежизга таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлоний "Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир" дея куюниб

таъкидламаган. Тарбия масалаларига эътиборсиз қаралган вазиятда юзга келадиган кўнгилсизликлар ҳам, у келтириб чиқарадиган зарарли оқибатлар ҳам барчамизга аён. Аммо бугун одамларга ана шу ҳақиқатни айтсангиз: "Нима қилай, ишламасам бўлмаса!", "Кўряпсиз-ку, осонмас, ҳаёт ташвишлари, болаларнинг еб-ичиши-ю, кийим кечаги ..." дея осонгина баҳона билан қутулишади.

Носир аканинг ўғли Асқар шўх чиқди. Ичиб-чекиш, каттага ҳурматсизлигидан маҳалла улуғлари "отасининг молу давлати қутуртирди" дейишарди. Феъл-атворидан гапириса "ҳа энди ўзи омон бўлса, тарбияси бир гап бўлар..." деб ҳаммани оғзига урарди. У тадбиркорлик қилиб кўп пул топишни, фарзандларини кам-кўстсиз ўсишини истабди-ю, аҳли солиҳ фарзанд бўлсин, эл-қорига ярайдиган комил инсон бўлиб улғайсин, дея ният қилмаган экан. Кейинчалик ўғлининг одобсизлигини жиловлай олмади.

Республика телевидениелари-дан бирида кўрсатув бошловчисининг калта либос кийиб чиқишини оила даврасида кўриб бўлармикин? Ёки айрим ярим яланғоч кўринишда, ёхуд илма-тешик шим кийиб концерт бераётган санъат аҳли гўё саҳна маданиятини унутгандай. Бу каби мисоллар ҳаётда кўп учрайди. Айрим давралар ва оилалардаги носоғлом, совуқ муносабатларда кўпни кўрган ёши улуғлар, жамоатчилик, маҳалла-кўй кўмаги зарур. Ахир "битта болага етти маҳалла ота-она" дейилишида ҳам катта масъулият, тарбия мужассам.

Алломалар тарбия иборасига уйғун бўлмиш "Бешиқдан қабргача илм изла" нақлини бекорга айтишмаган. Фикримизча, инсон ҳаётда бир умр ўқиб, изланиб, интилиб, эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амалларга қўл бериб, ҳаёт илми тажрибаларидан мунтазам сабоқ олиб яшасагина комил инсон мақомига етишади.

Яна бир гап. Одоб-ахлоқ билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топиш учун тарихий қадриятларимизга асосланган "Жамиятда юриш-туриш, одоб-ахлоқ қоидалари"ни яратиш ва жорий этиш зарур.

Н. ЙЎЛДОШЕВА.

Тил — миллатнинг маънавий бойлигидир. Ўз ўрнида халқнинг маданияти, урф-одати, унинг турмуш тарзи, тарихи ҳам. Айнан тил туфайли инсоният у ёки бу халққа мансублигидан фахрланиб яшайди. Барча тилларни тан олиш ва ҳурмат қилиш тинчликнинг бирдан бир кафолати. Шу сабабли ҳар бир халқ ўз тилини сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

Бугунги кунда ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи ва эътиборини ошириш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинди. Ушбу фармонга мувофиқ, орадан бир йил ўтиб, "Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармони имзоланди ва 2020–2030 йил-

бор, шарт-шароит бўла туриб, ундан фойдалана олмасак, тилимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга эътибор қаратмасак, бунинг учун ўзимиз, фақат ўзимиз айбдор бўламиз.

Бизнинг филиалимизда юқоридаги масала доим эътиборда. Узоқ вақтдан буён рус тилида ёки кирилл алифбосида юритилган барча ҳужжатлар, яъни иш юритиш ҳужжатларини юритиш ўзбек тилида. Мижозлар эътиборига ҳавола қилинган кўргазмалар ҳам она тилимизда. Ўзбек тилини мукаммал ўрганиш, бехато ёзиш мақсадида раҳбар ва ходимларни ўқитиш ишлари амалга

ҚАДРИНГ
БАЛАНД
БЎЛСИН,
ОНА ТИЛИМ!

ларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепсияси ишлаб чиқилди.

Очиғи, илгари тилимизни ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш учун давлат даражасида бу қадар катта эътибор қаратилмаган. Гарчи ОАВларда бу мавзуда қатор мақолалар ёзиб, тадбирлар ўтказ-сак-да, "юқори идоралар"да ҳужжатлар асосан рус тилида қабул қилинар, халқаро анжуманлар тугул маҳаллий даражадаги мажлислар ҳам бошқа тилларда юритиларди. Уни қанчалик тушунилиши ҳисобга олинмаган.

Энди ҳаммаси ўз қўлимизда. Кичик ёшдан бошлаб ўз тилимизда мулоқотда бўламиз. Қайси бир идорага кирманг, муносабатлар ўзбек тилида. Бироқ шунча эъти-

оширилмоқда.

Тилларни сақлаб қолиш халқнинг маданияти, урф-одатларини сақлиниб қолинишини англатади. Чунки халқнинг тақдири тил билан боғлиқ. У ҳар бир миллат маданиятининг ўзагидир. Шундай экан, она тилимизни халқаро миқёсдаги обрў эътиборини юксалтириш, уни миллий ва умумбашарий тушунчалар асосида тараққий этган тиллар сафида қадрланиши учун тилимизга ҳурмат билан қарайлик.

Ўткирбек ИСМОИЛОВ,

Ўзбекистон миллий метрология институти давлат муассасаси Андижон филиали бўлим бошлиғи.

Жимми ДИН:

Муваффақиятга эришишни истайсизми? У ҳолда ўзингизга тўртта савол беринг: Нимага? Нега шундай бўлмасин? Шунинг мен қилсам-чи? Ҳозирни ўзида қилсам-чи?

Крис БРЕДФОРД:

Таслим бўлиш ҳамманинг ҳам қўлидан келади. Аммо барча мағлубиятнинг қабул қилганда ўз йўлингга давом этиш — мана бу ҳақиқий матонат.

КУЧЕНИ ЙЎҚОТМАГАН
ХУЛОСАЛАР**Свами ВИВЕКАНАН-ДА:**

Ғоя танланг. Уни ҳаётингиз мазмунига айлантиринг, у тўғрида ўйланг, уни орзу қилинг, уни деб яшанг. Миян-гиз, мушакларингиз, асабларингиз, танангизнинг ҳар бир қисми шу ғоя билан тўлсин. Бошқа ғоялар айланиб ўтсин. Муваффақиятга йўл шундан иборат — шу тариқа улкан шахслар шаклланади.

Зиг ЗИГЛАР:

Кўпинча, мотивация узоққа етмайди, деб айтишади. Тўғри, у худди душга ўхшайди, шунинг учун ҳам душга ҳар куни тушиш тавсия этилади.

Эндрю КАРНЕГИ:

Фабрикаларимни ўзимга қолдирингда, одамларни олиб қўйинг — тез орада цехларни ўт босади. Корхоналаримни олиб қўйинг-у, аммо одамларимни қолдиринг — яқин орада биз олдингиларидан ҳам яхшироқ фабрикаларни ишга туширамиз.

Роберт КИЙОСАКИ:

Даромадларимиз ҳаёт бизга берган ҳар қандай имкониятларга берган "ҳа" жавобларимиз сонига боғлиқ.

Бу воқеа 2012 йилнинг ёз ойида бўлган. Пойтахтдаги нашрлардан бирида фаолият олиб борар эдим. Газетанинг навбатдаги сони учун менга Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, олий тоифали суҳандон Шухрат Қайумов билан суҳбат тайёрлаш вазифаси юклатилди. Раҳматли Шухрат ака айтилган вақтда белгиланган жойга етиб келди. Саломлашишиданоқ жуда маданиятли, тарбияли инсон эканлиги сезилди.

ОНАСИЗЛИК ЮРАГИНИ ОҒРИТГАН

Суҳбатдошимга кўп саволлар билан мурожаат қилдим. Табиийки, уларнинг орасида она билан боғлиқ мулоҳазалар ҳам бўлди. Негаки бу санъаткор бор жойда оналар мавзуси тилга олинмай ўтилмас эди.

— Она ҳақидаги сўнги кўшиқларингиз бизга ёқди.

— Раҳмат. Бу кўшиқлар қалбим тубида ётган сўзлар, фарзанд-

тида яна бирорта кўшиқ яратармиз, бунга вақт кўрсатади.

— **Оналарни жуда чиройли мадҳ этасиз. Агар сизга ҳукм чиқариш ҳуқуқи берилганда, онасини ранжитган, дилини вайрон қилган кимсаларга қандай жазо қўллаган бўлардингиз?**

— (Кулиб) Мен жазо қўллай олмасам керак. Фақат тарбиялашга ҳаракат қилардим. Чунки жазолашдан жудаям йироқман. Менга қўйса, бундайларга бир қанча вақт онасини кўрсатмасдан, онасизлик қандай бўлишини ҳис қилдирар эдим. Яъни уларга онасиз яшаш жазосини қўллаган бўлардим. Лекин бошқа оғир ҳукм чиқара олмайман. Сабаби, оналар ҳеч қачон боласига ёмонлик раво кўрмайди. Қани, "Сизни ранжитгани учун болангизни жазолайликми?" деб сўранг-чи, қайси она бунга рози бўлар экан.

Мен ўшанда қаҳрамонимнинг гап-сўзларидан оналарга бўлган чуқур меҳр, ҳурмат-эҳтиром, раҳматли волидасининг соғинчи-ю, унга қилолмаган айрим яхшиликларини учун армон-ўкинч ҳисларини англадим. Онасизлик унинг юрагини оғритган экан...

НИГОРА.



лик ҳис-туйғуларимдир. Раҳматли онажонимнинг меҳр-муҳаббати, қолаверса, бутун юртимизда оналарнинг қиёфаси мени шундай кўшиқлар яратишга ундайди. Шу боис она мавзусида туркум, сериалли кўшиқлар ижро этишга ҳаракат қилапман. "Сизни жондан рози қилай, онажон" кўшиғининг давоми "Жоним онам" бўлди. Балки, бу кўшиқнинг мантиқий давоми сифа-

СЕВИМЛИ БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ? УНДА...



— **Бошқаларни тинглашни ўрганинг, суҳбатдошингизнинг гапириш эркинлигини чекламанг;**

— камтар бўлинг. Чунки камтарлик севимли бўлишнинг энг таъсирли йўлидир;

— ҳадеб мақтов эшитиш истагингизни бир четга суриб, руҳлантиришни, бировларни

мақташни ҳам ўрганинг, худбин бўлманг;

— доим хушчақчақ ҳолда юриш қийин. Бу тушунарли. Лекин қўлингиздан келганича ғам-ташвишларингизни яшира билинг;

— танқидни тўғри қабул қилишни ўрганинг;

— очик юз, ширин сўз кўнгиллар калитидир;

— ҳамиша аввал салом беринг, сўнг ҳол-аҳвол сўранг;

— қариндош-уруғлар билан борди-келди қилинг, қўни-қўшни, таниш-билишлар билан яхши муносабатда бўлинг.

ХАЛҚ ТАБОБАТИ

Уйқуси қочган одам асал яласин. У жигарга ёрдам беради.

Тез-тез қатиқ зардобини ичиб туриш қоннинг ифлосланиши (уремия) касаллигидан асрайди.

Инсон жигари тўрт нарсани: хом қарам, творог, қаттиқ нон, асални яхши кўради.

Ёзда тез-тез совуқ сувда ювиниб турсангиз, юрагингиз, жигарингиз иш фаолияти яхшиланади.

Ширгуруч инсон умрини узайтиради, эркаклик уруғини кўпайтиради.



Яқинда бир танишим ўғлини

уйлантириш тараддудига тушиб, унга муносиб қиз излай бошлади. Унинг айтишича, келинликка номзод, албатта, ўқимишли (олий ўқув юрти-ни тугатган) бўлиши, қўлидан рўзғор тутиш, пишириқлар тайёрлаш, хуллас, ҳамма иш келиши керак экан.



БУГУННИНГ ВОҚЕАСИ

ОЙДАН ТУШИГАН КУЁВЛАР

ёхуд йигитларни турмушга тайёрлаш шартмасми?

Ҳозирги кунда ҳар бир шаҳару қишлоқда қизларга ҳунар ўргатишга йўналтирилган ўнлаб марказлар фаолият кўрсатмоқда. Бўлғуси келин-чаклар касб-ҳунарларни эгаллашдан ташқари, турмушга тайёргарлик курсларини ҳам ўташпти. Шундай шароитда лойиқ қизни топиш муаммо эмас.

— Ўғлингиз ҳам олий маълумотли экан-да, — дедим унга. — Муқим бир ерда ишласа керак, шунга кўра, муносибини топиб, уйламоқчисиз-да...

— Бе, қаёқда, дейсиз, — жавоб қилди у. — Ўқишга бўйин сунмади. Бирор ҳунар ўрганишга ҳам тоқати йўқ. Россияга бориб ишлаб келишни билади, холос.

Демак, тушунарли. Унга тайин ишли, пластик карта орқали бўлса-да, ойма-ой маош оладиган, қисқаси, эрини боқадиган қиз керак экан. Бундайларга қуда томоннинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи ҳам катта аҳамият касб этиши табиий.

Илгари эса...

...ота-оналар фарзандининг бошини "иккита" қилиб қўйишга шошилмасдилар. Мактабни тугатгунча бирор ҳунарни ўргатиш, шароити кўтарса, институтда ўқитишга ҳаракат қилинар эди. Йигит рўзғор тутиш сабоқларини ўрганмагунча тўй ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Бунинг устига, яна бир-икки хона уй қуриш ташвишининг бир томони ҳам унинг елкасида эди.

— Ёшлигимизда бўлғуси куёв-

ларга ўтин ёрдириб кўриш анъанаси мавжуд эди, — дея хотирлайди меҳнат фахрийси Абдумуталлиб Бойхонов. — Бунинг учун келин томон ёнғоқ, тут каби қаттиқ дарахтларнинг тўнкасини тайёрлаб қўйишарди. Агар йигит уларни ёролмаса, шу қизга уйлана олмасди...

Ҳар нарсанинг "кўзи" бўлади. Ҳатто ҳар қандай тўнка ёки ўтиннинг ҳам. Куёвликка номзод бунга билсагина вазифани бемалол уддалаши мумкин. Акс ҳолда, ёр-дўстлари, маҳалла-қўй олдида шарманда бўлади. Ўтинни ёролган йигит турмуш қуришга тайёр ҳисобланарди. Шу ҳам ишми, дегувчи фарзандингизни шу усул билан синаб кўринг-чи, эплай олармикин?

Ким кимни боқиши керак?

— Яхши умидлар билан яккаю ягона қизимни божамнинг ўғлига турмушга бердик, — деди суҳбатларнинг бирида ақин дўстимиз. — Падари-бузрукворим анча қаршилик қилди. Хотиним иккимиз "ўзимизники, фарзандимиз яйраб юрар", дея унинг сўзини олмадик. Отамнинг айтганича бор: йигит на бир ҳунарнинг бошини тутган, на бир жойда ўқиган эди. Оқибатда топганимиз қуданикига ташишдан ортмади. Қизим ҳомиладор ҳолида ҳам тикувчилик қилиб, рўзғор тебратди. Кейин эса... Унинг айтишича, сўнгга қайнотанинг куёвга бирор ишнинг бошини тутиши борасидаги насиҳати қудаларга ёқмай, бир яшар боласи билан келинни ҳайдаб юборишибди.

Нажмиддин ИКРОМИЙ.

ТАВСИЯ

сариқ сабзи еб юрган одам ўсма (рак) касалига чалинмайди.

Жигар хасталиклари-га чалинган беморлар 1 кг. асални 1 кг. қора смородина билан аралаштириб, ҳар куни овқатдан ярим соат олдин, бир ош қошиқдан тановул қилиши яхши наф келтиради. Ушбу муолажа аралашма тугагунга қадар давом эттирилиши шарт.

Наъматакни қайнатиб чой ўрнида ичиш ниҳоятда фойдали.

Мунтазам ўтириб ишлайдиган одам ҳар соатда ўрнидан туриб юрсин.

Олма инсон организмга барча зарур нарсаларни етказиб беради. Ҳар куни икки дона олма ейиш кифоя қилади.

Доим кўк чой ичиб,

ОБУНА-2022

"HAMKOR PRESS" GA 2022 ЙИЛ УЧУН
ОБУНА БОШЛАНДИ

Ҳаёт ҳақиқатлари

Ажойиб тақдирлар

Маънавият сабоқлари

Кулги бекати

Олам синоатлари

Рақамлар тилга кирганда...

Пиру бадавлатларимиз мероси

Рекордлар, бошқотирмалар

Етти иқлимдан дараклар

Саломатлик хазинаси

Спорт майдонларида

каби рукнлар ва ўзингиз ёқтирган мавзуларда мақолалар ўқишни истасангиз, 2022 йил учун "HAMKOR PRESS" га обуна бўлинг. Бўш вақтингизнинг мазмунли ва мароқли ўтишида газетамиз сизнинг севимли суҳбатдошингизга айланади.

Обуна баҳоси 120 минг сўм!

Бугун техника ривожланган давр, интернет асри. Истаган маълумотингиз ёки янгиликлар ёхуд хабарлар билан турли тармоқлар орқали танишишингиз мумкин. Одамлар газета ўқишмаяпти дегувчилар ҳам йўқ эмас. Аммо орамингда мутолаани севувчилар кўп.

ГАЗЕТАНИ СЕВУВЧИЛАР

Бугунги кунда босма нашрларга қизиқиш сусайгандай, дея кўнглимиз хира тортаётганди. Бироқ "Hamkor press" газетасининг мухлислари бизни қувонтирди. Газетамизни севувчилар ва уни қадрлайдиганлар, қўлларига етишини кутадиганлардан хурсанд бўлдик.

"Akbar baraka charm" масъулияти чекланган жамияти "Hamkorbank" нинг Наманган минтақавий филиалига қарашли энг йирик миждозлардан. Корхона аёллар сумкалари, китоблар учун филофлар ва шу каби чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

— "Hamkor press" газетасини нафақат мен, балки, корхонамиз ишчи-ходимлари ҳам севиб ўқийди. Таҳририят ижодкорлари фақат банк ҳаётига оид мақолалар билан чегараланмайдилар. Турли воқеа-ҳодисалар, спорт оламидаги янгиликлар, турмуш чорраҳалари ҳамда тарбиявий аҳамиятга эга ибратли ҳикояларни ёритишда фаолдирлар, — дейди МЧЖ раҳбари Адҳам Мусабоев. — Менимча, ушбу газета ўзининг оммабоплиги туфайли ўқувчилари учун бебаҳо топилма.

Газетамизни фақатгина водий аҳли эмас,

Тошкенту Бухоро, Хиваю Термизда, қўйинки, республикамизнинг чекка қишлоқларида ҳам ўқишади. Бунга кўхна ва навқирон Самарқанддаги "Ustazoda stroy" қурилиш компанияси директори Адҳамжон Эргашевнинг сўзларидан англадик: "Қурувчиларимиз боғча, мактаблар, катта-катта бино ва иншоотлар барпо этади. Ишлари қанчалик оғир бўлмасин "Hamkor press"ни ўқишга вақт топади. Бунга кўпчилик ишонмаслиги мумкин, аммо шундай".

"Газета ташкил қилингандан бери обуна бўламиз ва оила аъзоларим билан бирорта сонини қолдирмай ўқиб борамиз. Унда бериб борилаётган қизиқарли ва ибратли ҳикоялар, спорт оламидаги янгиликлар, ханда ва юморга бой кичик ҳикоялар, қайроқи гапларни ўқиб юзимизга табассум югуради, ақлни чархловчи бошқотирмаларнинг жавобини топишга ҳаракат қиламиз", — дейди меҳнат фахрийси Қудратилло Ибайдуллаев.

Айни пайтда 2022 йил учун "Hamkor press" газетасига обуна жараёни бормоқда. Сиз ҳам танловда адашманг!

Нилуфар ИБРОҲИМЖОН қизи.

Тушунмовчилик

Бир вилоят марказида чет эл сайёҳини темир йўл вокзалига кузатиб келган туристик идора ходими ундан сўради:

— Жаноб, Сизга шаҳримиз маъқул бўлдими?


— Шаҳрингиз жуда чиройли, обод экан. Фақат битта савол ўйлантиряпти.

— Бемалол сўрайверинг.

— Шу кунларда шаҳарда бирор юқумли касаллик эпидемияси тарқалганми? Шунинг учун одамлар бошқа давлатларга оммавий кўчиб кетмоқдами?

— Нимага асосланиб бу саволни беряпсиз, жаноб? — сўради кузатувчи.

— Вокзалга етиб келгунча кўчанинг бир тарафида фақат авиакасса, иккинчи томонида дорихоналарни кўрганим учун, — дея жавоб берди сайёҳ.



Йўлдаги ҳангома

Тезликни меъёрида ушлаб, хавфсизлик камарини тақиб олган ҳолда автомобилни ҳайдаб борар эдим. Радиодан мен ёқтирган куй таралмоқда. Қўл телефоним жиринглаб қолди. Қандайдир номаълум рақам.

— Эшитаман, — дедим мен.

— Сиз билан йўл патрул хизмати инспектори Саломов гаплашяпти. Ўртоқ ҳайдовчи, 100-150 метр орқага қайтинг ва менга учраб кетинг, сизга муҳим гапим бор.

Ортга қайтиб, йўлнинг ўнг томонида хизмат вазифасини ўтаётган сержантга кўзим тушди.

— Йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда буздингиз, ўртоқ Меҳмонов, — деди инспектор ҳайдовчилик гувоҳномамни қўлига олар экан. — Машинангиз орқа ойнасига "Кузатув камералари ўрнатамиз" деб ёзиб, телефон рақамингизни кўрсатиб қўйибсиз. Сизни синаш мақсадида кўнғироқ қилиб кўргандим. Сиз амалдаги қоидаларга зид равишда телефонда мен билан сўзлашдингиз. Марҳамат қилиб банка боринг-да, энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдоридаги жаримани тўлаб келинг.

ЙПХ ходими олдидаги ҳолатим айб иш қилиб қўйиб, ўқитувчи олдида мулзам бўлиб турган ўқувчига ўхшарди.


Йўлкира

Бир отахон Андижон шаҳрида "Дамас" машинасига ўтириб, уч-тўрт бекат юргач, манзилига етиб келганини айтиб, ҳайдовчига 5 000 сўмлик узатди. Ҳайдовчи унга 2 000 сўм қайтди. Отахон пулни олиб:

— Асака ёки Олтинкўлга етиб келган-дек бўлибманда-а, ўғлим? — деди.

— Нега бундай деяпсиз, отахон? — сўради ҳайдовчи.

— Чунки шаҳардан Асакага ҳам Олтинкўлга ҳам йўлкира 3 000 сўм-да, болам.



Моддий ёрдам

Бир ташкилотнинг бошланғич касабга уюшма қўмитасига ходимдан моддий ёрдам кўрсатиш сўралган ариза тушди. Ушбу мурожаат муҳокамасига бағишланган йиғилишда деярли барча қўмита аъзолари ходимнинг эгаллаб турган лавозими ва ойлик маошидан келиб чиқиб, "унга моддий ёрдам кўрсатиш зарурияти бормикин?" деган савол устида бош қотира бошладилар. Шунда аризачи билан яхши муносабатда бўлган қўмита аъзоси шундай сўз қотди:

— Аризачи Колоновлар оиласи яқинда янги автомобиль сотиб олишган эди, турмушида моддий тақчиллик келиб чиқибди, чоғи.

Расулжон МУХТОРОВ.



HAMKOR PRESS

МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан
қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail:
hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor Press" таҳририяти компютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул:
Н.ТУХТАМАТОВА
Саҳифаловчи:
А. КАБИРОВ
Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"ZAKOVAT" NASHRIYOT UYI MCHJ босма-хонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Косонсой шаҳри, Чорбоғ кўчаси, 17-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00
Топширилди - 20.00
Қоғоз бичими - А3
Буюртма: Адади: 6029
1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда
келишилган
нархда.